

БОЕВ Хабибулла Исмаилович,

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
«Иқтисодиёт назарияси» кафедраси
профессори;

АДИЛОВ Ботир Балтабаевич,

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети «Минтақавий
иқтисодиёт» кафедраси доц. в.б., иқтисод
фанлари номзоди

АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН БОШҚАРИШ ЗАРУРИЯТИ

УДК 331.08

**БОЕВ Х.И., АДИЛОВ Б.Б. АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН БОШҚАРИШ
ЗАРУРИЯТИ**

Мақолада ижтимоий соҳани ривожлантиришда аҳолининг турли қатламларига давлат томонидан ижтимоий ёрдам кўрсатиш сиёсатининг моҳияти, асосий вазифалари ҳамда усуслари ҳақида гап юритилган бўлиб, ижтимоий ҳаётдаги муносабатлар таҳлил қилинган.

Таянч иборалар: ижтимоий сиёsat, ижтимоий ҳимоя, давлат бошқаруви, маҳаллий бошқарув, пенсия фонdlари, аҳоли даромадлари.

**БОЕВ Х.И., АДИЛОВ Б.Б., НЕОБХОДИМОСТЬ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ ДОХОДАМИ
НАСЕЛЕНИЯ**

В статье рассмотрены сущность, содержание, развитие социальной политики, социальная поддержка и защита государством разных слоев населения, а также проанализированы виды социальных отношений.

Ключевые слова: социальная политика, социальная защита, государственное управление, местные органы власти, пенсионные фонды, доходы населения.

BOYEV X.I., ADILOV B.B. IMPORTANCE OF POPULATION'S INCOME MANAGEMENT

In the article are considered the issues of social politic importance, consistence, development and realization through support of social vulnerable people. As well, there is discussed the types of social relations.

Keywords: social policy, social security, public administration, local authorities, pension funds, income of population.

Дунёдаги ҳар бир давлат ўз аҳолисига ижтимоий ёрдам кўрсатиш сиёсатини олиб бориши туфайли ижтимоий муаммолар давлат томонидан бартараф этиб келинмоқда. Фуқароларга ижтимоий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш ҳамда бу жараённи бошқариш катта маҳорат ва молиявий маблағ талаб этади. Ижтимоий сиёсатни давлат марказлашган ҳолда амалга оширади.

Дунёдаги энг қудратли ижтимоий ташкилот - бу давлат бўлиб, давлат мураккаб тизимга эга турли туман институтлардан иборат. Жумладан, ихтинослаштирилган жамғармалар, хайрия ташкилотлари ижтимоий ва сиёсий ташкилотлар, сұгурута компаниялари, пенсия фонdlари ҳам мухим ролга эга.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасида «Давлат ҳалқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қиласди. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида маъулдирлар», деб қайд қилинган. Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг турли қатламлари давлатнинг ёрдамига у ёки бу ҳолатда эҳтиёж сезади. Давлат миқёсида демократияни ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш, ривожланган мамлакатлarda аҳолининг моддий фаровонлигини ошириш бўйича олиб борилаётган сиёсат давлатнинг асосий кундалик сиёсатига айланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-моддасида «Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади», деб кўрсатиб ўтилган. Бозор иқтисодиёти шароитида давлат аҳолини ҳимоялаш билан бирга унга даромадларини ошириш имкониятларини яратиб бериши мухимдир.

Ҳозирги ижтимоий-иктисодий тараққиёт аввало инсонларнинг яшаш шароитини янада яхшилаш, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасидаги ижтимоий ҳаёт тарзини бир-бирига яқинлаштириш, қишлоқларда шахардагилардан қолишмайдиган уйлар қуриш сиёсати давлат томонидан амалга ошириб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз» номли асарида «Биз ҳаётда ўзини тўла оқлаган **«Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун»** деган тамойилдан келиб чиқсан ҳолда, **ижтимоий соҳадаги ислоҳотларни, ҳалқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалти-**

риш йўлини давом эттирамиз»¹, деб таъкидлаган.

Маълумки, аҳоли даромадлари – бу аҳолида шахс ёки оила (уй хўжалиги) томонидан турли манбалардан маълум давр мобайнida олинадиган истеъмол, жамғарма, турли йиғим ва солиқларга сарфланадиган пул ва натурал тушумлар мажмуасидир, деб тушунилади. Албатта даромадларга берилган ушбу таърифда, бизнингча, аҳоли даромадлари таркибига кирувчи бепул хизматлар ҳисобга олинмаган.

Айни вақтда даромадларнинг барча турлари аҳолининг мўътадил турмуш даражасини таъминлашнинг асосий манбаси ҳисобланади. Шуни унутмаслик керак-ки, ҳар бир инсоннинг жамиятдаги ўрни ҳамда асосий эҳтиёжларининг қондирилиш даражаси унинг даражаси, даромади билан белгиланади. Дунёнинг машҳур иқтисодчи олимларидан бири П.Самуэльсоннинг ёзишича, «Инсон ҳақида унинг даромадига кўра ҳукм чиқарадилар»², яъни индивид даромади асосида унинг билими, ёши ва ҳатто умрининг давом этиши муддати ҳақида намунавий тасаввурни тузиш мумкин. Инсон ўз даромадларини жамиятнинг бошқа аъзолари даромадлари билан таққослаб, ўзини жамият ижтимоий тараққиётидаги ўрнини белгилаб, аввало, бошқаларга нисбатан ўз мақомини юксалтириш учун ҳаракат қиласди.

Аслида даромадлар инсонларнинг ижтимоий аҳволини нафақат мамлакат ичida таққослашда белгиловчи асосий кўрсаткич, балки улар турмуш даражасини мамлакатлараро солиширишда ҳам қўллаш мумкин бўлган асосий кўрсаткич ҳисобланади. Ўз навбатида даромадга ҳар бир инсоннинг қобилиятини намоён бўлишига олиб келувчи, рағбатлантирувчи куч, деб қараш керак.

¹ Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. -21-б.

² Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс. 14-нашр 2011. -378-б

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида даромадлар иқтисодий манфаат эгалари, яъни ақлий маҳсулот эгалари, мулқорлар, бошқа соҳаларда банд бўлган инсонлар учун моддий рафбат тарзида кўзга яқзол ташланади. Инсонлардаги сифат ўзгаришлари фаолиятининг исталган турида даромадларнинг кўпайишига олиб келади. Шу билан бирга инсонларнинг турмуш даражаси ошиб боради.

Назарий жиҳатдан даромаднинг ошиши меҳнатнинг охирги натижалари билан ўзаро боғлиқ бўлиши лозим. Инсон ўз даромадларини оширишда асос билан таъминланishi зарур.

Аҳоли даромадларини ошириш ташаббускори давлат ҳисобланади. Шунинг учун давлат аҳолининг меҳнат қилиши, ҳатто бойиши учун ҳамма имкониятларни бермоқда. Аҳоли даромадларининг ўсиши давлат томонидан аҳолини иш билан банд қилиш сиёсатини ҳаётга татбиқ этиш орқали амалга ошириб борилади.

Маълумки, фаровонлик жамиятнинг иқтисодий белгиси ҳисобланади. Аҳолининг асосий эҳтиёжларини қондириш даражаси билан белгиланади ва жамият аъзолари даромадларига боғлиқ бўлади. Улар алоҳида шахсларда қанчалик юқори бўлса, у шахсларнинг фаровонлиги шу даражада юқори бўлади. Шуни таъкидлаш керак-ки, даромадлар фақат моддий эҳтиёжларни қондириш манбаи эмас, балки инсон ҳаётининг сифат хусусиятларини хам яхшилаш манбаидир. Бунда даромадни турмуш даражасини ошириш, соғлигини сақлаш, дам олиш вақти, экологияни яхшилаш учун қўлланилиши назарда тутилади. Давлат бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг даромадларини ошириш имкониятларини жамият аъзоларига яратиб берди. Аҳоли даромадлари таркибига иш ҳақи, тадбиркорлиқдан олинаётган даромад, нафақа, пенсия, стипендия кўринишидаги ҳамма пул тушумлари, мулқдан фоиз, дивиденд, рента, қимматли қоғозлар, кўчмас мулқ, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, ҳунармандчилик буюмларини сотишдан ҳамда турли ҳизматлар кўрсатишдан келиб тушадиган даромадлар киради. Натурал кўринишдаги даромадлар таркиби асосан уй хўжаликлари томонидан шахсий истеъмол учун ишлаб чиқарилган маҳсулот (шахсий ёрдамчи, хўжалик, фермер хўжалиги), давлат бюджети, корхоналар фонди ва турли хайрия ёрдами маб-

лағлари ҳисобига олинадиган натурал тушумлар ва бепул ҳизматлардан иборатdir.

Халқаро тажрибада даромадлар табақаланишини аниқлашнинг кўпроқ қўлланиладиган кўрсаткичларидан бири Дицел коэффициенти ҳисобланади. Дицел коэффициенти 10 фоиз энг юқори таъминланган аҳолининг ўртача даромадлари ва 10 фоиз энг кам таъминланганларнинг ўртача даромади ўртасидаги нисбатни ифодалайди¹.

Республикамизда бозор муносабатлари асосида иқтисодиётнинг ривожланишига ўтилиши даромадлар тенгсизлигини янада кучайтириди. Давлат даромадларни бошқариш ва тартибга солишда шунга эътибор бериши зарурки, ҳусусийлаштириш жараёнида содир бўлаётган мулкнинг қайта тақсимланиши аҳолининг маълум гуруҳлари учун мулқдан даромад чиқариш имкониятларини вужудга келтирди. Айниқса сармоянинг дастлабки тўпланиши жараёнида кўп сонли сунистеъмолликлар содир бўлади ҳамда айрим табақалар қўлида осонлик билан даромад тўплашишига имкониятлар вужудга келади.

Мамлакатда аҳоли даромадларини бошқариш ва тартибга солиш механизмларини янада такомиллаштириш керак.

Ўзбекистон жуда бой табиий ресурслар, катта иқтисодий салоҳиятга эга давлат. Юртимиз заминида олтин, кумуш, мис, уран, нефть, табиий газ, кўмир каби табиий қазилма бойликларнинг катта захиралари мавжуд. Умуман, Менделеевнинг кимёвий элементлар жадвалидаги барча элементларни мамлакатимиздан топиш мумкин.

2017-2018 йилларда давлат бюджетидан 1,5 триллион сўм, халқаро институтларининг 150 миллион долларлик маблағи сув билан боғлиқ, яъни суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун сарфланмоқда. Мамлакатимизда 103 та йирик, 720 та ўрта ва кичик сув иншоотини яхшилаш борасида ишлар олиб борилмоқда. Тошкент вилоятида 44 миллион куб метр сув йиғиладиган «Паркентсой», «Қизилсой», «Тоштепа», Оҳангарон туманида 5 минг гектар лалми ерларни ўзлаштириш режалаштирилган. Бу эса янги иш ўринларининг пайдо бўлиши ва бунда банд бўлган

¹ Шодмонов Ш. Иқтисод назарияси. – Т., 2010.

аҳоли турмуш даражасининг ошишига олиб келади¹.

2016 йилнинг январь-декабрь ойларида иқтисодий фаол аҳоли сони 14 022,4 минг кишини ёки аҳоли умумий сонининг 44,0 фоизини ташкил қилди².

Маълумотларга кўра, 2016 йилнинг январь-декабрь ойларида иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сони 13 298,4 минг кишини ташкил қилди ва 2015 йининг шу даврига нисбатан 1,8 фоизга ошди.

Бандлар сонининг сезиларли ўсиш даражаси ташиш ва сақлаш соҳасида (3,6 фоизга) кузатилди.

2016 йилнинг январь-декабрь ойларида иқтисодий фаол аҳолининг бандлик даражаси (иктисодиётда банд аҳолининг иқтисодий фаол аҳолига нисбати) 94,8 фоизни ташкил этди.

Нодавлат секторида жами бандлар улуши 82,3 фоизга етди, бу кўрсаткич 2015 йилнинг шу даврида 82,1 фоизни ташкил қилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 майдаги «Ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасини такомиллаштириш тўғрисида»ги 106-сонли қарори билан тасдиқланган ишга жойлаштиришга муҳтож, меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасига асосан аниқланган ишсизлар сони 2016 йил январь-декабрида 724,0 минг кишини ташкил қилди ва иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбатан ишсизлик даражаси 5,2 фоизга тенг бўлди³.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш ва рафбатлантириш, уларнинг фаолияти учун қулай муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар 2016 йилнинг январь-декабрь ойларида 31,8 мингдан ортиқ кичик бизнес субъектини ташкил этиш имконини берди (бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 18,1 фоизга кўпдир).

¹ Мирзиёев Ш.М. Ризқ-рўзимиз бунёдкори бўлган қишлоқ ҳўжалиги ходимлари меҳнатини улуғлаш, соҳа ривожини янги босқичга кўтариш ~ асосий вазифамиздир. // «XXI аср» газетаси, 2017 йил 10 декабрь.

² Давлат статистика қўмитасининг 2017 йил бўйича маълумотлари.

³ Ўша манба.

2016 йилнинг январь-декабрь ойларида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг ЯИМдаги улуши 56,9 фоизни ташкил қилди (2015 йилнинг январь-декабрида 56,5 фоиз бўлган)⁴.

2016 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- 19963,2 миллиард сўмлик инвеститциялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 40,3 фоизи) ўзлаштирилди ва 2015 йилнинг январь-декабрига нисбатан ўсиш суръати 122,9 фоизни ташкил қилди⁵;

- 20677,7 миллиард. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 70,7 фоизи) бажарилди ва 2015 йилнинг январь-декабрига нисбатан ўсиш суръати 115,6 фоизни ташкил қилди⁶;

- саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 50020,8 миллиард сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришнинг 45,0 фоизи) ёки 2015 йилнинг январь-декабрига нисбатан ўсиш суръати 115,7 фоизни ташкил қилди⁷;

- 55057,6 миллиард сўмлик хизмат қўрсатилиб (республика жами хизматлар ҳажмининг 60,5 фоизи), 2015 йилнинг январь-декабрига нисбатан ўсиш суръати 115,6 фоизни ташкил қилди⁸;

- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 89,6 фоизи ёки 78867,4 миллиард сўми (2015 йилнинг январь-декабрига нисбатан ўсиш суръати 117,7 фоизни ташкил қилди) шакллантирилди¹;

- 3588,5 млн АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 28,6 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 5655,9 млн АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 46,7 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди²;

- автомобиль транспорти юк айланмасининг 8,2 фоизга (республика жами автомобиль транспорти юк айланмасининг 85,5 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 3,1 фоизга (умумий йўловчи айланмасиниг 92,2) кўпайиши таъминланди³;

- 10392,5 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 78,1 фоизи), шу жумладан банд бўлганларнинг

⁴ Ўша манба.

⁵ Ўша манба.

⁶ Ўша манба.

⁷ Ўша манба.

⁸ Ўша манба..

8212,1 минг нафари якка тартибдаги тадбиркорлар, 2180,4 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди⁴.

Мамлакатда бозор иқтисодиёти шароитида аҳоли даромадларини бошқариш, унинг шакллари ҳамда усуслари турлича бўлиши мумкин. Аммо асосий мақсад аҳолининг қашшоқлашишига йўл қўймаслик ҳисобланади. Даромадлар соҳасида

мувозанатни сақлаб қолиш давлатнинг асосий мақсади бўлиши лозим, ҳақиқатда даромадларни илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш уларни самарали бошқаришга ўргатади.

Ҳалқимиз бадавлат яшashi учун давлатимиз ҳамма имкониятларни яратиб берди. Энди ҳалқимиз ўзининг фаолиятини жадаллаштириб бориши зарурдир.

Адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз.
– Т.: «Ўзбекистон», 2017. -21-б.
2. Боев Х.И. Ижтимоий ҳимоялашни ташкил этиш ва бошқариш муоммалари. – Т., 2012.
3. McConnel Brue. Economics. McGraw-hill/Irwin, USA, 2013.
4. Paul A. Samuelson, William D. Nordhaus. Economics. 19th edition. McGraw-Hill Companies. USA, 2009.